

УЎТ: 631.445.52:635.655:631.674.6(575.16)

**РЕСУРС ТЕЖАМКОР СУҒОРИШ ТАРТИБЛАРИНИНГ СОЯ
НАВЛАРИ СУВ ИСТЕЪМОЛИГА ТАЪСИРИ**

Дўстов Жаҳонгир Ахмат ўғли

*“ТИҚХММИ” МТУ Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти
Гидрология ва экология кафедраси ассистенти*

***Аннотация.** Ресурс тежамкор томчилатиб ҳамда эгатлаб суғориш усулларида ва турли суғориш тартибларида суғоришнинг соя навлари сув истеъмолига таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлари юзасидан олинган натижалар ҳақида маълумотлар келтирилган.*

***Annotation.** Information on the results of scientific research conducted on the study of the effect of irrigation on the water consumption of soybean varieties in resource-efficient drip and furrow irrigation methods is presented.*

***Аннотация.** Представлены сведения о результатах научных исследований, проведенных по изучению влияния орошения на водопотребление сортов сои при ресурсосберегающих капельных и бороздковом способе орошения и различных способах орошения.*

***Калим сўзлар:** суғориш усули, суғориш тартиби, эгатлаб суғориш, томчилатиб суғориш, сув истеъмоли.*

***Key words:** Irrigation method, irrigation procedure, furrow irrigation, drip irrigation, water consumption.*

***Ключевые слова:** Способ орошения, порядок орошения, бороздковом способе, капельное орошение, потребление воды.*

Кириш

Соя навларини етиштиришда эгатлаб ҳамда томчилатиб суғориш техника элементлари, суғориш олди тупроқ намликлари ва суғориш муддатлари, сони, давомийлиги, суғориш ва мавсумий суғориш меъёрлари ҳамда бир центнер дон ҳосили етиштириш учун сарфланган сув миқдори ва сув истеъмолни ўрганиш сув танқислиги шароитида сув ресурсларидан самараи фойдаланиш ҳамда соя навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда муҳим аҳамият қасб этади.

Таҳлил ва натижалар. Тадқиқотнинг 2022-йилида эгатлаб суғориш усулида умумий сув сарфи суғориш тартибларига кўра соянинг Ўзбек-6 навида 7539,5 м³/га дан 7513,1 м³/га гача, Тўмарис навида 7164,5 м³/га дан 6993,8 м³/га гача, Нафис навида 7468,1 м³/га дан 7197,9 м³/га гача ораликда, томчилатиб суғориш усулида тегишлича 5488,1 м³/га дан 5256,1 м³/га гача, 5471 м³/га дан 5252,5 м³/га гача, 5450,5 м³/га дан 5210,4 м³/га гача ораликда тебранган ва томчилатиб суғориш усулида эгатлаб суғориш усулига нисбатан 2051,4-2257,0 м³/га, 1693,5-1741,3 м³/га, 2017,6-1987,5 м³/га кам сув сарфланганлиги аниқланган.

Бир центнер ҳосил учун сарфланган сув миқдори эгатлаб суғориш усулида соянинг Ўзбек-6 навида суғориш тартибларига мос ҳолда 369,4 м³/ц дан 333,1 м³/ц, Тўмарис навида 386,6 м³/ц дан 362,4 м³/ц, Нафис навида 401,4 м³/ц дан 372,8 м³/ц гача, томчилатиб суғориш усулида ушбу кўрсаткичлар 231,6 м³/ц дан 176,8 м³/ц, 244,7 м³/ц дан 268,2 м³/ц, 266,3 м³/ц дан 243,8 м³/ц гача ораликда ўзгарган ёки эгатлаб суғориш усулига нисбатан мос равишда 137,8-156,3; 141,9-94,2 ва 135,1-129 м³/ц кам сув сарфланган.

Тупроқдаги намлик захирасининг умумий сув сарфидаги улиши эгатлаб суғориш усулида соянинг Ўзбек-6 навида суғориш тартиблари бўйича 4,1% дан 6,1% гача, Тўмарис навида 4,3% дан 6,4% гача, Нафис навида 4,1% дан 6,4% гача, томчилатиб суғориш усулида тегишлича 5,7% дан 9,0% гача, 5,7% дан 8,5% гача, 5,8% дан 8,8% гача ораликда ўзгарган (1-жадвал).

Соя навларининг сув истеъмоли

Соя навлари	Суғориш	Суғоришлар олди тупроқ	Тупроқдаг и намлик захирасида	Атмосфера ёгинлари,	Мавсумий суғориш	Сувнинг умумий	1 ц хосилга сарфланган умумий	1 ц хосилга сарфланган
Ўзбек-6	Эгатлаб суғориш (назорат)							
Тўмарис								
Нафис								
Ўзбек-6	Томчилатиб суғориш							
Тўмарис								
Нафис								

Хулосалар. Соя навларини етиштиришда тупроқдаги намлик захирасининг умумий сув сарфидаги улиши эгатлаб суғорилган соянинг Ўзбек-6 навида суғориш тартиблари бўйича 9,0-6,2%, Тўмарис нави 9,9-6,8%, Нафис нави 9,7-6,3% ни ташкил этган. Томчилатиб суғорилган тартибларда эса соянинг Ўзбек-6 нави 16,8-10,9%, Тўмарис нави 16,0-10,9%, Нафис нави 16,6-11,1% ни ташкил этди. Бир центнер ҳосил учун сарфланган сув миқдори бўйича эса энг кам сув сарфи томчилатиб суғорилган соя навларида кузатилди.

Бунда эгатлаб суғорилган соянинг Ўзбек-6 навида суғориш тартибларига мос ҳолда 248,6-221,2 м³/ц, Тўмарис навида 246,0-230,7 м³/ц, Нафис навида 261,0-246,5 м³/ц сув сарфланган бўлса, ушбу кўрсаткичлар томчилатиб суғорилган соянинг Ўзбек-6 навида суғориш тартибларига мос ҳолда 121,9-92,7 м³/ц, Тўмарис навида 140,6-128,5 м³/ц, Нафис навида 139,3-127,5 м³/ц ни ташкил этган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Дўстов Ж ва Хусанбева Н 2022 Томчилатиб суғориш усули – юқори ҳосилдорлик гарови Агроилм журнал 58
2. J A Dustov, N S Xusanbayeva and M M Radjabova The drip irrigation method is a guarantee of high yields. 2022 IOP Conf. Ser.: Earth Environ. Sci. 1076 012056
3. Маматалиев Л., Норқуов У. Мойли экинларни суғориш. Агро Илм 1(17) 2011 йил.